




ШАҲАР  
ИЖТИМОИЙ-  
СИЁСИЙ  
ГАЗЕТАСИ

# ТОШКЕНТ ОҚШОМ



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 70 (9.414) 2000 йил 14 июнь, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда

## ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оқсарой қароргоҳида Халқаро валюта жамғармасининг Иккинчи Европа департаменти директори Жон Олдинг — Сми раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Республика Пул-кредит сисёти комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг пул муомаласини барқарорлаштириш, нақд пул муомаласини тўғри ташкил этиш ҳамда уни тартибга солиш, иш ҳақининг ўз вақтида тўланишига доир қарорларнинг ижро этилиши, шунингдек, корхоналарда хорижий валюта тушувлари аҳоли муҳофазасига эришилди.

Тошкентда меҳнат бозорини такомиллаштириш масалаларига бағишланган халқаро семинар бўлиб ўтди.

«Туркистон» саройида атоқли адиб Саид Аҳмаднинг таърифи 80 ёшга тулиши муносабати билан тантанали ижодий кеча бўлиб ўтди. Кечада Президентимизнинг Саид Аҳмадга йўлаган таърифи хати ўқиб эшиттирилди. Ўзбек адабиёти ва санъатининг намоёндалари, жамоатчилик вакиллари адибни кутлуг ёш билан қизгин қутладилар.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қoшидаги Олий педагогика институтида «Педагогика фани ХХ асрда» мавзuida кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Австрия Республикаси Федерал иқтисодиёт ва меҳнат вазирлигининг ташқи иқтисодий алоқалар бўйича бош директори Й. Захс бошчилигидаги делегация юртимизда меҳмон бўлиб турибди. Ушбу ташриф доирасида Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Австрия қўшма комиссиясининг биринчи йиғилиши бўлди.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармасининг конференцияси бўлиб ўтди.

Наманганда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимидаги кутқарувчи тузилмаларнинг биринчи республика кўриктанлови ўтказилди.

Хисоб-китоблар механизмининг такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича ҳукумат комиссиясининг тўлов муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш бўйича кичик комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Шайхонтоҳур туманидаги 224-мактабда «Аёл ва экология» дастури бўйича кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.

Қашқадарё вилояти пиллакорлари давлатга пилла сотиш бўйича шартномавий режими бажарди.

### ЖАҲОНДА

Германия авиакосмик санъати соҳасига бағишланган «ИЛА-2000» деб номланган Европанинг энг йирик халқаро кўргазмаси ўтказилди. Кўргазма Берлиннинг Халқаро аэропорти Шенефельдда бўлиб ўтди.

Кеңа Қозғистон Президенти Н. Назарбоев Душанбега расмий ташрифи билан келди.

Кеңа Москвага АҚШ мудоффа вазир У. Коэннинг ташрифи бошланди.

Хитойнинг махсус маъмурий тумани хисобланган Синганда 14-Халқаро сайёҳлик кўргазмаси очилди. Унда дунёнинг 44 та мамлакатидан соҳа вақиллари иштирок этаётди.

Покистон раҳбарияти бир неча кун илгари хориж оммавий ахборот воситаларига Покистон ядро қуролини қўпайтириш борасида Ҳиндистонни ортда қолдирётгани ҳақида эълон қилинган хабарни рад этди. Мамлакат ташқи ишлар вазирлиги бу ҳақда баёнот берди.

Швеция билан Данияни боғловчи 15 километрик кўприк ишга туширилди. Кўприкнинг очилиш маросимини расман 1 июлга белгиланган бўлсада, ҳозирдадан бу «мўъжиза кўприк» усти ўзига хос сайёҳгоҳ айланиб кетди.

Югославиянинг Косовка-Митровица шаҳри қамоқхонасида серб махсуслари очлик эълон қилди. Улар БМТ миссияси бошлиғи Бернар Кушнердан норози бўлишмоқда.

Япониянинг марказий туманларида кучли довул туриши оқибатида камда 17 киши жароҳатланди. Хабарларга қараганда, шамолнинг кучи базми жойларда секундига 36 метрни ташкил этаётди.

Кеңа Пеньянда иккала Корея Республикаси тарихида биринчи бор ҳукумат бошлиқлари — Корея Республикаси Президенти Ким Да Чжун ва Корея Меҳнат партиясининг биринчи котиби Ким Чен Ир учрашиб, иккала Кореяни бириктириш масаласини муҳофиза қилдилар.

Конго Демократик Республикасининг Кисангани шаҳрида Уганда ва Руанда қўшнлари ўртасида 5 июндан буён давом этаётган жанглар натижасида мингдан ортиқ тинч аҳоли вакили қурбон бўлди, 3 мингдан ортиқ фуқаро жароҳатланди.

Парагвай Ички ишлар вазирлиги маълумотига кўра, Бразилияда Парагвай генерали Лино Сезар Овельдо ҳибсга олинди. У мамлакат вице-президенти Луис Мария Аргана-нинг ўлдирлиши муносабати билан қидирилётган эди.

Шу йилнинг 12-17 июль кунлари Туркиянинг Анталиа шаҳрида Ўзбек қураш бўйича иккинчи жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Ушбу Халқаро мусобақада дунёнинг 60 дан ортиқ мамлакатларидан келган полвонлар иштирок этишди.

Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида кикбоксинг бўйича ўтказилган Манас кубоги баҳсларида юртдошларимиздан Ҳамдам Худойқулов биринчи ўринни, Неймат Бобомуҳамедов ҳамда Наби Қодировлар учинчи ўринларни эгаллашди.

## ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТЕҲРОН САФАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг (ЭКО) олтинчи саммитида қатнашиш ҳамда Эрон Ислам Республикасига амалий ташрифини адо этиш мақсадида 9-11 июнь кунлари Техрон сафарига бўлди.

ЭКОга аъзо мамлакатлар делегациялари «Ҳофизия» қароргоҳига йиғилди. Саммит мезбони гадаги олий даражадаги йиғилишга қадар ЭКОга раислик қилади. Бинобарин, мажлисин Эрон Президенти Муҳаммад Хотамий бошқаради.

Бугунги кунда дунё иқтисодиётидаги жараёнлар тобора фаоллашмоқда. Анъанавий коммуникация тармоқлари ривожланиб, фан-техника ва технология тобора юксак чўққиларни забт этаётди. Шуни инобатга олиб, саммит иштирокчилари ЭКОнинг янги мингйилликдаги стратегиясини ишлаб чиқиш борасида ўзаро маслаҳатлашувлар ўтказишга келишиб олди. Шунингдек, энди транспорт ва коммуникация, савдо-сотиқ ва энергетика борасидаги ҳамкорлик устувор соҳалар, деб қабул қилинди. Қатнашчилар айрим мамлакатлардаги қишлоқ-ҳўжалик, турли юқумли касалликлар билан боғлиқ муаммоларни биргаликда ечиш, устувор соҳалар билан бир қаторда, қишлоқ ҳўжалиги, сайёҳлик, санъат, инсон ҳаёти мезонлари бўйича ҳамкорликни янада ривожлантириш, айтиш пайтда наркотик моддаларнинг ноқонуний савдо-сотиғига қарши биргаликда курашиш истагини билдирди.

Қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг саммитда сузлаган нутқи жуда катта қизиқиш билан кутиб олинди. Босни, мамлакатимиз раҳбари ўз нутқида нафақат минтақамиз, балки дунё мисқисидаги амалий тақдирларини илгари сурди. Президентимиз, аввало, ЭКО том маънода Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига бўлиши лозимлигига эътиборин қаратди. Яъни, аъзо мамлакатлар ташкилот фаолиятига сисёсий тўс беришга интиямасдан, биринчи навбатда, минтақадан иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ҳақида бош қотириш керак. Шунингдек, дунё



иқтисодиёти шиддат билан ўзгариб, илм-фан ва технология ривожланиб бораётган замонада ташкилот шартинга мослашмоғи ва шу жиҳатдан олиб қаралганда, ЭКОни ислоҳ этиш мақсада мувофиқдир. Чунки саммитда тўғри таъкидланганидек, баландпарвоз гаплар билан бирга, шунчаки имзолаётган лойиҳалар ҳам оз эмас. Шу пайтгача тасдиқланган элдик лойиҳанинг тўққизтасигина ҳаётга таътиқ этилаётгани бунга яққол мисол бўла олади. Аслида ЭКО доирасида бирор ҳужжат имзоланса, кенг овозга қилинади, лекин ижрога келганда, сусткашлик ва эътиборсизликка дуч келинмоқда.

Қабул қилинган қарор, имзоланган ҳужжатларнинг ижроси, аввало, барқарорликка боғлиқ, деб таъкидлади Ўзбекистон раҳбари учрашууда. Шу боис Афғонистонда тинчлик ўрнатилмас экан, ЭКО доирасидаги деярли барча саяё-ҳаракатлар зое кетаверди. Бу бекарорлик эса нафақат минтақага, балки бутун дунёга хавф соляпти. Афғонистондан чиқаётган террорчилар, гўйханд моддалар жуда олис ўлкаларга ҳам етиб бораётган ва ҳалокат уруғини сочяпти. Ислам Каримовнинг фикрича, Афғонистонда

ги қарама-қаршилиқни тугатиш учун унга ташқи аралашувга чек қўйиш лозим. Мазкур ўлкада тинчлик ўрнатиш учун эса, авваламбор, ўт очишни тўхта-тиш ва музокара бошлаш керак. Қуролли тўқнашувлар бир томоннинг иккинчи томон устидан мутлақ ғалаба қозонишига олиб келмайди. Бунини, айниқса, «Толибон» ҳаракати яхши англаб етиши зарур.

ЭКО саммитида Президент Ислам Каримов илгари сурган яна бир масала наркотик моддаларнинг байроққонуний савдосига тегишли бўлди. Ҳозирги кунда дунёда етиштирилганда гўйханд моддаларнинг 70-75 фоизи Афғонистонда тайёрланмоқда ва асосан, ЭКО мамлакатлари орқали жаҳонга тарқалаяпти. Айни пайтда бу қулфат мазкур давлатларнинг ўзидан ҳам оғу истеъмолнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда. БМТнинг наркотик моддаларни назорат қилиш дастури вақили эълон қилган маълумотга кўра, Эрон ва Покистонда террон истеъмол қилувчи кишилар сони бир миллионга етган, Марказий Осиёда ҳам бу кўрсаткич ошмоқда. Албатта, ЭКО мамлакатлари байроққонуний ташкилаётган наркотик моддаларни ушлаш борасида дунё-

да етакчи ўринда туради. Бутун дунёда мусодала этилаётган оғунинг 80-90 фоизи ЭКОга тўғри келади. Лекин бу муаммони тўла ечмайди. Шу боис, саммитда қабул қилинган ва Техрон декларациясини номини олган ҳужжатга ЭКО ҳузурида БМТнинг махсус дастури билан ҳамкорликда ишловчи наркотик моддаларнинг байроққонуний ҳаракатланишига қарши курашни мувофиқлаштирувчи орган ташкил этиш тўғрисидаги банд киритилди.

Президент Ислам Каримовнинг Эронга амалий ташрифи дастурдагидан анча олдин бошланди. Техронга келган кунини давлатимиз раҳбарини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Ислам Каримов шу кун кеч-қурун Эрон ташқи ишлар вазир Камол Харрозий билан учрашди.

11 июнь кунини Эрон Президентининг «Жумҳурия» қароргоҳида бўлиб ўтган иккинчи маънавий давлат раҳбарларининг музокаралари ҳақида мулоҳаза юритишдан аввал, сўнгги йилларда Эронда ҳо бўраётган ўзгаришлар ҳусусида тўхталиб ўтас. Эроннинг 1979 йилдан буён деярли ўзгаришсиз келаётган сисёсий ҳаётда сўнгги уч йил мобайнида сезиларли бу-

рилиш ҳо бўрмақда. Давлат таслиси катта ислохотлар оғури-сида бўлган Муҳаммад Хотамий келди. У халқаро иқтисодий ва сисёсий таътиқлар қуришда қолган мамлакатнинг янги йўлга бошламоқчи бўлди. Лекин мамлакатда катта нуфузга эга бўлган радикал қучилар бунга имкон бермаслиги аниқ эди. Парламент ҳам уларнинг ёнини олди. Муҳаммад Хотамий учун президент лавозимини эгаллаш қанчалик қийин кечган бўлса, ўз режаларини амалга ошириш ундан ҳам оғир эди. Ниҳоят, бу йил баҳорда Эронда парламентга сайлов ўтказилди. Сайлов танлаган йўлида собит турган Муҳаммад Хотамий фойдасига ҳал бўлди: депутатлар орасида ислохотлар тарафдори бўлганлар тахминан 60 фоизни ташкил этди. Бу мамлакатда Президент Хотамийнинг йўлини ёқлайдиганлар кўпайгани, у ўтган вақтда ичда аҳолининг аксар қисмида ўз сисёياتига ишонч ва эътиқод уйғота олганидан дарак берди.

Айни пайтда Эрон Марказий Осиё мамлакатлари, аввало, Ўзбекистон билан муносабатларни мустаҳкамлашга киришмоқда. Бунинг сабаби, аввало, мамлакатимизнинг мин-

тақдаги юқори мавқеи ва Президент Ислам Каримов юриятган илмий сисёят билан изоҳланади, албатта.

Техронда кечган музокара-лар чоғида ЭКО фаолияти ва Афғонистон муаммоси бўйича Ўзбекистон билан Эроннинг қарашлари яқин эканлиги намоён бўлди. Ўзаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдорлик икки томонда ҳам теран ҳис этилмоқда. Айниқса, транспорт комму-никацияси ва савдо-сотиқ борасида. Бундан ташқари, музокарада жуда тўғри таъкидланганидек, баландпарвоз гаплар гапириш, қўллаб-қувватлаш имзо чекиш мумкин, лекин ўзаро ишонч ва ҳурмат бўлмаса, барча саяё-ҳаракатлардан наф йўқ.

Музокарадан нихоёсида Ўзбекистон Республикаси Президенти билан Эрон Ислам Республикаси Президенти ўртасидаги музокара-лар яқини бўйича Қўшма баёнот имзоланди. Шунингдек, ушуган жиноятчилик, террорчилик, наркотик моддаларнинг байроққонуний ҳаракатланиши, жиноятчиларни ушлаб топириш, боқхона хизматлариға ёрдам қўрас-тиш, ташқи ишлар вазирли-лари ўртасида маслаҳатлашу-вар, сармоёлари ҳимоялаш ва рабағлантйриш борасида ҳам ҳужжатлар қабул қилинди.

Эронга сафари чоғида Президент Ислам Каримов ЭКО саммитида иштирок этиш учун Техронга келган айрим мамлакатлар раҳбар-лари билан учрашди. Дастлаб Озарбайжон Президенти Хайдар Алиев билан учрашув бўлиб ўтди. Унда мамлакат-ларимизнинг икки томонла-ма алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан ўзаро фикрлашиб олинди. Ислам Каримовнинг Покистон ижро ҳокимияти раҳбари Парвез Мушарраф билан учрашувидан ўзаро савдо-иқ-тисодий муносабатларни ривожлантириш, минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ масалалар мулоқотнинг бош мавзуси бўлди.

Анвар БОБОЕВ,  
Ўза махсус мухбири.  
Тошкент-Техрон-Тош-кент.

СУРАТДА: ташриф чо-ғидан лавҳа.  
Р. Жуманиёзов (Ўза) олган сурат.

### Теннис

## МАҲОРАТИНГГА БАЛЛИ, ИРОДА!



Ишқибозлар ораёкиб кутган кун келиб, душанба кунини «Tashkent Open» аёллар халқаро теннис мусобақаларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

...Мусобақа қатнашчилари бўлиши мамлакатлар спортчилари тантанали мусика садолари остида марказий кортга чиқиб келишди. Барча қатнашчи ва ишқибозларни Тошкент

шаҳар ҳокими Қозим Тўлаганов улкан теннис байрамининг бошланиши билан қизгин қутлаб, турли қитъа-лар ўртасида дўстликни му-стаҳкамловчи ушбу мусо-бақа иштирокчиларига омад ва бахт тилади ҳамда шах-римиз кортлари янгида янги истеъдодларни кашф этишига ишонч билдирди. Ўзбекистонлик теннис му-хлисларини шунингдек, тур-нир асосчиларидан бири «ITP LTD» компаниясининг президенти Сассон Кашшурини ҳам қизгин қутлади.

Ишқибозларнинг олқ-ишлари остида ўзбек тен-нисининг ёрқин юлдузи Ирода Тўлаганова мусо-

бақа байроғини кўтаргач, асосий баҳслар бошланди. Кортга дастлаб Ирода Тўлаганова — Анна Запоро-жанова (Украина) ҳамда юр-тимизнинг ёш, умидли спортчилари — Комила Да-дахўжаева ва Варвара Леп-ченколар тушишди. Ушбу ўйинда Тўлаганова — Запо-рожанова жуфтлиги 6/0, 6/0 ҳисобида ғалаба қозонди.

### КЕЧА

якка тартибдаги спортчи-лар ўртасида ҳам асосий сетка учрашувлари бош-ланди.

Дастлаб ҳамшаҳримиз Лилия Биктякова турнир-нинг энг кучли спортчила-

ридан бири — хитойлик Инг Кван Инга 6/2, 6/0 ҳисобида ютқазиб қўйди. Лилия билан олдинма-кей-ини кортга тушган яна бир теннисчимиз — Комила Дадахўжаеванинг олдида ҳам қийин имтиҳон турар-ди. Зеро, венгриялик таж-рибали теннисчи Петра Мандуланни енгиш осон эмасди. Ушбу баҳсда ҳам омад рақибимизга кулиб боқди — 6/2, 6/2.

Энди ҳамма умид кортга энг охириги ўйинда тушган ҳамшаҳримиз Ирода Тўла-гановадан эди. Унинг рақиб-и италиялик Адриана Серра Занетти маҳорат бобида Ирода билан деярли тенг

бўлса-да, бироқ тажриба бо-бида устувор эди. Шунга қарамай, Ирода ишқибоз-ларнинг кетма-кет олқиш-лари остида кортга зўр ма-ҳорат кўрсатди. Шу кунини унинг шиддатли ва аниқ зар-балари, кучли тўп ташлаш-ларида дош бериш осон эмасди. Натижада дастлабки учта геймни 3/0 ҳисобида бошлаган Ирода биринчи сетни 6/2 ҳисобида ўз фой-дасига ҳал этди. Иккинчи сетни ҳам йигинчқоқлик билан ўтказиб 6/3 ҳисобида ғалаба қозонган ҳолда тур-нирдаги ўзининг иккинчи ютуғига эришди. Қолган баҳ-слар эса қуйидаги натижалар билан якунланди: А. Смах-

нова (Исроил) — Ф. Скио-воне (Италия) — 4/6, 6/3, 4/6, С. Петковски (Франция) — А. Родионова (Россия) — 6/1, 6/3, Ф. Любиане (Ита-лия) — Ю. Касоне (Италия) — 7/6 (7), 6/2, У. Пракусна (Индонезия) — К. Кшент (Австрия) — 6/4, 6/2, Е. Сисо-ева (Россия) — Ун-Ха Ким (Жанубий Корея) — 3/6, 6/3, 7/6 (6), Ц. Обзилер (Исроил) — К. Кристела (Руминия) — 7/5, 6/3, А. Барна (Германия) — Е. Куликовская (Россия) — 6/2, 6/1, Н. Островская (Беларус) — Б. Сангарам (Та-йланд) — 6/0, 6/0.

### БУТУН

якка тартибдаги спортчи-лар ва жуфтликлар ўртаси-да нимчорак финал баҳс-лари ўтказилди.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

### Тошкент шаҳар ҳокимлигида


## РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Маълумки, шу йилнинг 16 июнь кунини шахримизнинг барча мактабларининг 11-синфлари битирувчиларига етуклик аттестатларини топиришига бағишланган тантанали педагогик кенгашлар ўтказилади. Тошкент шаҳар ҳокимлигида шаҳар Соғлиқни сақлаш, Ички ишлар, Халқ таълими бош бошкармалари, «Маҳалла», «Қамолот» жамғармалари вакиллари иштирокида ўтган йиғилиш ҳам педагогик кенгашлар ва битирув кечалари ташкилий жиҳатдан пухта ўтказиш мақсадида олинди. Йиғилишда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбо-сари Эркин Эрнazarов олиб борди.

Дастлаб амалга оширила-жак тадбирлар режаси юза-сидан шаҳар Халқ таълими бош бошкармаси бошлиғи Хамидулла Йўлдошев батаф-сил ахборот берди. Сўнг бо-шқа ташкилотлар ҳам ўз ба-жарадиган ишлари ҳусусида тўхталиб ўтилди, жўли та-қлифлар билдирилди, ўтган йилги ибратли тадбирларни оммалаштиришга келишиб олинди. Бунда педагогик кен-гашларда турли адабий-бади-ий тадбирлар, кўрик-танлов-лар ва викториналар ўткази-лиши, мактаблар атрофини ободонлаштириш, тозалаш, бадий-хаваскорлик жамоа-ларининг қишқига алоҳида аҳамият қаратилади.

Шу ўринда шаҳар Халқ таълими бош бошкармаси-нинг ТХТБ мудири, барча умумтаълим мактаблари раҳ-барларига айрим тавсиялари-ни келтириб ўтиш жоиздир. Чунончи, тантанали педаго-гик кенгашларда мактаб би-

носи байрамона безатилиб, давлат рамзларидан кенг фойдаланиб, у албатта Дав-лат мадҳисини ижро этилиши билан бошланиши, битирув-чиларга етуклик аттестатини мактаб раҳбарияти, илгор ва ижодкор ўқитувчилар, ҳоки-мият ва маҳалла қўмитала-ри вакиллари тантанали ра-вишда топиришлари ке-рак. Педагогик кенгашлар-нинг бадий-адабий қисми-дан мустақиллик руҳи бил-лан сўғирилган, ўзбек халқ-ининг тарихи, буюк аллома-лари ижоди ёритилган ком-позициялар ўрин олиши, сценарий режалари мустақил-лик голярига содиқлик, ва-танпарварлик руҳида, давла-тимизнинг буюк келажаги мафкуравий йўналиш асосида ёритилиши лозим. Халқ таъ-лими вазирлиги тавсиялари-га биноан барча тантанали педагогик кенгашлар 16 июнь кунининг биринчи ярмида ўтказилиши керак.



## Курилиш

## Тадбиркорлик

Буюртмачилар  
сони ортади

Пойтахтимизда ҳам бугунги кунда харидорлар этиборини тортадиган, хонадонимизга файз бағишлайдиган турли хил мебелларнинг ишлаб чиқарилаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Бу борада тадбиркорлик билан иш юритаётган кичик ва хусусий корхоналарнинг ҳиссаси каттадир.

Юнусобод туманида фаолият кўрсатаётган «Устоси паронг» жамоа корхонасида ёғочдан дераза ромлари ва эшикдан ташқари хилма-хил мебел маҳсулотлари ҳам тайёрланмоқда. Корхона 1995 йилда ташкил этилган бўлиб, ҳозирда бу ерда 38 та ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Ўтган йиллар мобайнида жамоадаги мутахассисларнинг малакалари ошди, шогирдлар ҳам тайёрланди. Тажрибали дурдор усто ва мебелсозларнинг излашлари боис эса маҳсулотлар тури кўпайди, сифати яхшиланди, натижада буюртмачилар сони ҳам ортади.

Ишчиларни танлаб оламиз, — дейди жамоа корхонаси раҳбари Роберт Тўлаонов. — Бу, албатта, ўз самарасини бермоқда. Асбоб-ускуналаримиз ўзимизники. Буюртмага қараб турли хил ёғочдордан мебеллар тайёрлаймиз. Эшик ва ромларимизга эса ҳаридорларимиз етарли. Айниқса, Алишер Қосимжонов, Денис Болоскин, Аҳмад Қосимжонов, Александр Эффа сингари дурдор-мебелсозларимиз ўз ишининг усталари саналади. Туманда ўтказилган «Ташаббус — 2000» танловида «Энг яхши тадбиркор» деб топилганимиз бизни руҳлантирди.

Жамоа ахли корхонани замонавий дастгоҳлар билан жиҳозлаш ниятида. Бунинг учун улар россиялик ҳамкорлар билан қўшма корхона очиб, ҳам мўлжаллаб туришибди. Олдинларига қўйган энг эзу мақсадлари эса ўзимизнинг, ҳам хорижийнинг бозорида харидори чоккон маҳсулотлар тайёрлаб, республикамиз иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса қўшишдир.

Барно ХОШИМОВА.

лигингиз кераклигини ҳам эслатамиз:

— қўл остингиздагилардан бирон-бир амалий ахборотларини яшириш;

— ҳодимлардан бирортасига алоҳида ҳўрмат-этиборни ошқорла гапириш;

— ўз қўл остингиздагиларни «тири» этмай, ўзингиздан юқоридаги бошлқларнинг «ташласи»га йўл қўйиб бериш;

— ҳамкасбларингизнинг касб маҳоратларининг қадрига етмаслик.

Юқоридаги мулоҳазалар устида яхшилаб фикр юритиб, керакли хулосалар чиқариб, сўнг қўйидаги саволларимизга жавоб беришга (12-вазифамизни бажаришга) ҳаракат қилинг.

1. Жамоада можароли вазиятлар юзага чиқмаслиги учун раҳбар (менежер) нималар қилиши керак, деб ҳисоблайсиз?

2. Шундай вазият юзага келиб қолган тақдирда уни қандай бартараф этган бўлардингиз?

3. Менежер (раҳбар) сифатида низоли масалани ҳал этишда сизнинг ҳаракатларингиз қандай бўлиши мумкин?

Мақтубларингиз ва қимматли фикр-мулоҳазаларингизни кутамиз. «Раҳбар фазилятлари: уларни қандай шакллантириш керак?» руқни учун» деган белгини қўйишни унутманг.

ҚУЛАЙЛИК  
ЯРАТИЛМОҚДА

Пойтахтимизда кейинги йилларда нафақат шинам ва кўркам уйлар, шу билан биргаликда равон кўчалар ҳамда замонавий ва қулай кўприклар бунёд этилиб, шаҳримиз кўркамга кўрк қўйилмоқда.

Шаҳримизнинг Аҳмад Дониш кўчасида қад ростлаётган кўприк қурилиши ҳам жадал суръатларда олиб борилмоқда. Бунёдкорлик ишларини пойтахтимиздаги 13-кўприк қурилиши ҳамда 2-ер ости ишлари отрядлари жамоаси уюшқоқлик билан олиб боришмоқда. Бир километр узунликдаги ушбу кўприкни қуриш ишларида 150 нафардан зиёд қурувчилар уч сменада меҳнат қилишмоқда.


— Ушбу қурилиш майдонида ўз ишининг усталари меҳнат қилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим, — дейди участка бошлиғи Сергей Дьяков. — Ўтган йилнинг охирида иш бошланган бўлса, бугунга келиб қурилиш-тиклаш ишларини нўхоялаш арасида-миз. Бунёдкорларимизнинг барчаси кўприк қурилишининг ҳам савобли, ҳам маъсулиятли иш эканлигини яхши тушунадилар. Унинг мустаҳкамлиги ҳам

сифатига этибор ҳаммининг зиммасида. Айниқса, Эркин Обидов, Рамил Хайруллин, Жаҳонгир Машҳадий, Михаил Терехов сингари тикловчи, пайвандчи ва усталаримиз ўзгача гайрат билан ишлашмоқда. Чунки кўприкнинг қуриб битказилиши ҳам ҳайдовчиларга, ҳам қурувчиларга, ҳуллас шаҳримизнинг барча аҳолисига қулайлик туғдиради, кўнгилсиз ҳодисаларнинг олди олинади.

Бугун қурувчилар учун ҳар бир кун ганимат. Гайрат-шижоатнинг боиси ҳам шунда. Чунки улар ўз ишларини Мустақиллигимизнинг 9 йиллиги арафасида муваффақиятли якунлаб, улуг байрамга муносиб совға ҳозирлашни ният қилишган.

Дилноза ГИЁСОВА.  
СУРАТЛАРДА: (чапдан) пайвандчи Михаил Дхетписов, тикловчи Рамил Хайруллин ва уста Жаҳонгир Машҳадий иш режалари ҳусусида суҳбатда; қурилишдан лавҳа.

Сергей Любич олган суратлар.



Меҳнат жамоасида ахилликка путур етиши қўлгина ноҳушликларга сабаб бўлади. Бир-бирига адоват, тарафқашлик, ҳар ким ўз ҳолича ишлаши, ўзаро жанжаллашишлар оқибати натижасида жамоанинг меҳнат натижаларига, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ёки кўрсатилаётган хизмат сифатига — умуман ҳамма ишларнинг орқага кетишига олиб келади.

Бунда яна бутун оғирлик раҳбарнинг (менежер)нинг зиммасига тушибди аниқ. Ҳўш, корхонани таназзулдан сақлаб қўлиб, жамоа ҳамжиҳатлигини тиклаш учун нима қилиш керак? Бизнингча, энг аввало раҳбар аҳволни яхшилаб ўрганиб, хулосалар чиқариб, ишни самарали изга солиш чораларини кўриши керак. Жамоада вазиятни мураккаблаштирган ҳолатлар кўпинча бир хил бўлишига этиборингизни жалб этишни истардик. Мана — улардан энг кўп учрайдиган ҳолатлар:

— жамоа олиб бораётган иш ҳаммага баравар умумий бўлмай қолади — яъни ҳаммани баравар қизиқтирмай қўяди. Ҳар ким ўзича меҳнат қилади. Дўстона ёрдам қўлини қўзиш, мураббийлик ва шу каби ҳамжиҳатлик омилларига қизиқиш сусаяди;

— ҳодимлар бир-бирларига ишонмай қўядилар, ўз ишчи ва шахсий режаларини ўзаро ўртоқлашишни ёқтирмай қоладилар;

— ўзаро суҳбатларда кўпинча камчилик ва нуқсонлар атрофида гап бўлади. Мулоқот иштирокичилари бир-бирларининг кўнгли-

ни олиш, кўтариш ўрнига танбех ва дакки беришга интиладилар.

Санаб ўтилган ҳолатлар-

Раҳбарлик фазилятлари:  
уларни қандай шакллантириш керак?

ЖАМОАДА  
АХИЛЛИК

нинг ҳар бири корхона раҳбари, менежер учун жиддий сигнал бўлиб, кечик-масдан бу ҳолатлар сабабларини аниқлаш ҳаракатини қилиш керак. Бунинг учун ўз иш тартибингизни яна бир бор қайта кўриб чиқиб, маълум ўзгаришлар киритишингиз, жамоанинг ҳўрматли кишилари, мутахассислар билан маслаҳатлашиб олсангиз ёмон бўлмайди. Масалан, топшириқларни «Сен ва сен бажарсан» тартибида эмас, катта-кичик доирадаги кенгашлар, жамоанинг умумий йиғилишида келишиб, кейин аниқ ҳодимларга топшириш мақсада мувофиқ. Доимий равишда очикчасига фикр

нур бўлади. Албатта буларнинг ҳаммаси раҳбар, менежернинг маъқеи зарур даражада сақлаб қоллиниши, қелишиб олинган ишлар, вазифаларнинг бажарилишида унинг қатъиятига путур етказмаслиги керак.

Баъзи пайтларда ўзи ҳам билмаган ҳолда корхона бошлиғи бирон-бир ноҳуш ҳолатта сабабчи бўлиб қолиши мумкин. Шунинг учун аҳволни яхшилашга қаратилган чора-тадбирларга киришишдан олдин ўз хати-ҳаракатларингизни ҳам таҳлил қилиб олсангиз ёмон бўлмайди. Айни пайтда корхона, фирма жамоасининг раҳбари сифатида қўйидагиларга йўл қўймас-

Кундалик турмушимиз маиший хизмат билан ҳамбарчас боғлиқлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Шу боис ҳам бозор иқтисодиёти шароитида маиший хизмат кўрсатиш соҳаси олдидаги вазифа ва муаммоларни ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қарорлар қабул қилинди. Уларга асосланган ҳолда Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан пойтахтимизда маиший хизматни ривожлантириш, аҳолини унга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш, ушбу соҳада мулкчилик шаклидан қатъи назар фаолият кўрсатаётган корхоналарга зарур шарт-шароитлар яратиб бериш борасида ҳам қатор қарорлар қабул қилинди. Ана шу қарорларни дастуруламал қилиб фаолият юритаётган «Тошшаҳармаишийхизматуюшма»си жамоаси шаҳарда маиший хизмат турларини кўпайтириш, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, хизмат маданиятини юксалтириш борасида қандай ишларни амалга оширмоқда? Бу ҳақда уюшма раиси Саидумар Аълов қўйидагиларни гапириб берди.

— Тошкент шаҳар ҳокимининг 1997 йил 10 октябрдаги 347-сонли қарорига асосан пойтахт аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ва тадбиркорлар ишларини яхшилаш ва ривожлантириш мақсадида уюшмамиз туман ҳокимликлари билан биргаликда тадбирлар режасини ишлаб чиққан. Ана шу режага асосан жорий йилда шаҳар аҳолисининг маиший хизматга бўлган талабини қондириш, унинг турларини кўпайтириш, уюшма тизимига кирган корхоналар фаолиятини янада барқарорлаштириш, ишда сифат кўрсаткичларига эришиш, ҳар хил турдаги корхоналарнинг

Уюшма ташаббуси билан пойтахтимиздаги «Файз ҳолдинг» компаниясида Европа каталоги асосида сартарошхона мебеллари ишлаб чиқарилди. Бу мебелларни сотиш ҳуқуқи шартномага асосан уюшмага берилди. Уюшма ўз навбатида ишлаб чиқарилган мебелларни ўз тасарруфидида аъзоларга имтиёзли нарҳда сотишни ташкил этди. «Лола атир-упа» хиссадорлик жамияти билан тузилган шартнома асосида эса шохобчалар керакли хом ашёлар билан маълум миқдорда таъминланишига эришилди. Тошкент шаҳар меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси билан шартнома тузганмиш. Ана шунга асосан ёшларни касбга ўқитишни ташкил этдик. Бу кадрлар масаласини ҳал этишда муҳимдир.

— Маиший хизматнинг қандай янги турлари аҳоли оғирини енгил қилиб, уларга маъқул тушмоқда?

— Ўтган ва жорий йилнинг биринчи чорагида буюртмалар бўйича пардалар тикиш ва ўрнатиш, уйларни тозалаш, миҳознинг уйида кир ювиб бериш, чармдан тикилган кийимларни кимёвий тозалаш ва таъмирлаш, спорт буюмларини ижарага бериш, компьютерларни таъмирлаш сингари маиший хизмат кўрсатишнинг янги турларини жорий этдик. Шунинг билан таъкидлашим лозимки, ўтган йилда шаҳарда 59 та аёллар сартарошхонаси, 13 та кийимларни буюртма бўйича тикиш ва таъмирлаш, 4 та кийимларни кимёвий тозалаш, 2 та кир ювиш шохобчалари ташкил этилди ва улар ҳозирда ҳам муваффақият билан фаолият кўрсатиб соҳибаларимизни мамнун эттишмоқда.

МАҚСАД — ЭЛГА НАМУНАЛИ  
ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

мулкчилик шаклидан қатъи назар иш фаолиятини мувофиқлаштириш, тартибга солиш бўйича ишлар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

— Айни вақтда шаҳримизда нечта хизмат кўрсатиш шохобчаси фаолият кўрсатмоқда ва уларнинг турлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Пойтахтимизда 3000 дан ортиқ хизмат кўрсатиш шохобчаси мавжуд бўлиб, уларда 22 мингдан зиёд киши аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Ўтган йили 682 та янги шохобча очилиб 1594 та ишчи ўрни ташкил этилди. Шаҳар аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш ҳажми 3,9 миллиард сўмга етди. Киши бошига кўрсатилган маиший хизмат 1800 сўмни ташкил этди. Айниқса, Миробод туманида йил давомида жон бошига 4700, Сергели туманида 3835 сўмлик хизмат кўрсатилди.

2000 йилнинг ўтган биринчи чорагида уюшма-миз туман ҳокимликлари билан биргаликда 283 та маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси очиб 527 та ишчи ўрни ташкил этди. Айниқса, оёқ кийимларини тикиш ва таъмирлаш, кийимларни буюртма бўйича тикиш, радио ва телевизор таъмирлаш, маиший хизмат машиналари ва асбобларини таъмирлаш, автомашиналарга хизмат қилиш ва таъмирлаш, кийимларни ювиш, кимёвий тозалаш, металл буюмларни ясаш, мебелларни таъмирлаш, сартарошлик, ижарага бериш, ҳаммом ва бошқа турдаги хизматлар муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Шунинг билан таъкидлаш лозимки, янги очилаётган шохобчаларнинг кўпчилиги замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланган, ишлар эса янги технология асосида ташкил этилган. Энг муҳими, малакали, уста кадрлар хизмат кўрсатади. Шу боис ҳам миҳозлар сони кўрсатилган хизмат сифати ва маданиятига қараб ортиб бормоқда.

Биринчи чорақда шаҳар аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш умумий ҳажми 1,259,8 минг сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш даражаси 191,1 фоизга етди. Аҳоли жон бошига 583,1 сўмлик маиший хизмат кўрсатилди.

— Уюшмага аъзо бўлган маиший хизмат шохобчаларига қандай имтиёзлар бор ва уларга қанақа шарт-шароитлар яратилади?

— Тошкент шаҳар ҳокимининг 2000 йил 24 январдаги 26-сонли «Тошкент шаҳридаги маъмурий биноларда қўлланиладиган ижара ҳақининг ягона энг кам миқдордаги ставкалари ҳақида»ги қарорига асосан аҳолига маиший хизмат кўрсатадиган корхоналарга энг кам миқдордаги ставка 1 квадрат метрга 520 сўм қилиб белгиланган. Унга асосан 2000 йилнинг ўтган чорагида 170 та маиший хизмат шохобчаларига имтиёзли ижара ҳақи тўлови белгиланди. Уюшмага аъзо шохобчалар ер солиғидаги имтиёзлар билан бир қаторда, улар тушган тушумнинг 20 фоизини ўзлари мустақил хом ашё сотиб олишга сарфлаш имкониятига эга-дирлар. Шунингдек маиший хизмат кўрсатиш корхоналарини керакли хом ашё билан таъминлаш ҳамда замонавий жиҳозлашни марказлаштирилган ҳолда ташкил этиш учун шўбба корхона ташкил этилиб, у «Таъминот-М» хусусий корхонаси асосида доимий кўргазма ташкил этди. Ушбу кўргазмага қўйилган асбоб-анжомлар, хом ашёлар маиший хизмат шохобчалари ҳодимлари буюртмалари асосида таъмирлаб берилди.

— Маиший хизмат соҳасида хориж билан ҳамкорликка этибор қаратилганми?

— Албатта, барча соҳаларда бўлгани каби бозор иқтисодиёти шароити бизнинг соҳани ҳам четлаб ўтгани йўқ. Бир қанча муаммолар ҳам пайдо бўлди. Ана шундай муаммоларни енгил учун маиший хизматнинг рақобатбардор, жаҳон андозаларига жавоб берадиган, аҳоли учун зарур ва қулай турларини яратиш ва энг муҳими сифатли хизмат кўрсатишга, одамлар ишончини оқлашга алоҳида этибор қаратганмиш. Хорижий давлатлар билан ҳамкорликка ҳам сидқидиллик билан ёндашганимиз боис шаҳарда бугунги кунда 50 тадан ортиқ қўшма корхоналар маиший хизмат турлари бўйича фаолият юрймоқда. Юсак унумли чет эл технологияси асосида иш юритаётган ушбу шохобчалар миҳозлар талабига тўла жавоб бермоқда. Айниқса, Яқкасарой туманидаги «Океан—Сийфуд» (Ўзбекистон — Арабистон), Юнусобод туманидаги «ЎзДЭУ электроникс» (Ўзбекистон — Ж.Корея), Миробод туманида жойлашган Италия технологияси асосида иш юритаётган «Лавандерия» (Ўзбекистон — Қирғизистон) қўшма корхоналарининг миҳозлари сони кун сайин ортмоқда.

— Келгуси режалар ҳақида ҳам газетхоналаримизни хабардор қилсангиз?

— Президентимизнинг Тошкент шаҳри сайловчилари билан бўлган учрашувда маиший хизмат соҳаси ҳодимлари олдида қўйган вазифаларидан келиб чиққан ҳолда пойтахтимизнинг ҳар бир туман ҳокимлигида бўлиб, раҳбарлар билан маслаҳатлашиб келгуси режаларимизни белгиладик. Шунга қўра 2000 йил охиригача 839 та янги маиший хизмат шохобчаси ташкил этилиб, 3000 та ишчи ўрни яратилади. Фаолият кўрсатаётган шохобчалар ишнинг янада аҳолига яқинлаштириш, сифатини ошириш мақсадида 1100 нафардан ортиқ қўшма ишчиларни жалб этамиз. Жорий йилда шаҳримиз аҳолисига 6 миллиард 558 миллион сўмлик хизмат кўрсатамиз. Пойтахт аҳолисининг жон бошига кўрсатилган маиший хизмат ҳажми 3000 сўмдан ортиқни ташкил этади.

Бугун маиший хизмат кўрсатиш билан шуғулланиш истагидидаги тадбиркорлар сафи кўпайиб бормоқда. Бизнинг вазифамиз уларни тўғри йўлга бошлаш, керакли ёрдамимизни аямаслик, шу билан бирга фақат шаҳар марказида эмас, аҳолига қулай бўлишини назарда тутиб чекка туманларда ҳам хизмат шохобчаларини очишга ҳаракат қилишдир. 37 та маиший хизмат кўрсатиш пунктларини ташкил этишни режаллаганимиз. Бундан ташқари илгари фаолият кўрсатаётган, лекин бугунги кунда йўқ бўлиб кетган қўшма қабул пунктларини ҳам ташкил этамиз. Ҳар бир маҳалла билан ҳамкорликда маиший хизмат шохобчаларини очиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, маиший хизмат турларини масвумга қараб ривожлантиришга, унинг камхарж билан сифатли ишлайдиган шохобчаларини кўпайтиришга эришамиз. Соғлом авлод йилида болалар сартарошхоналари очиш, уларни фарзандларимиз дидига мос равишда жиҳозлашга аҳамият қаратмоқдамиз. Энг муҳими, пойтахтимиз кундан-кунга чирой оцаётган экан маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ҳам ана шу кўркамликка монанд бўлсин.

Шарифа ИЛЁСОВА суҳбатлашди.



Пойтахтимиздаги кийимларни кимёвий тозалаш шохобчасининг 5-бўлими ҳодимлари аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини оширишга интиломоқда.  
СУРАТЛАРДА: бўлим бошлиғи Аббос Эгамбердиев ва назоратчи Раъно Аҳмедова тозаланган кийимлар сифатини кўздан кечиришмоқда; Муқаддам Мўминова ўз ишининг усталаридан саналади.  
Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.



## 1 2 3 4 5 6